

Мулла Ёсинхон тўра



Мулла Ёсинхон тўра
9 ёшида ҳофиз
Қуръон бўлиб етишади
ва масжид хонақоҳида
хатмга ўта бошлайди

14:18 / 11.02.2022 3222

Наманган шаҳри, Сардоба даҳаси, ҳозирги Тўрақўрғон кўчасида туғилиб, катта бўлган Яҳёхон тўра ибн Файзихон тўра 19 аср ўрталарида маълум сабабларга кўра, она юртини тарк этиб, оиласи билан Мадинаи Мунавварага кўчиб кетади. Шу орада Мадинада ўғли Ҳамидхон тўра (1884-1947)нинг аёли ўғил фарзанд кўради. Гўдакка Ёсинхон деб исм қўйишади. Мадинаи Мунавварада ўша даврда янги туғилган насабли чақалоқни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаламнинг ҳужраи саодатларига олиб кириш анъанаси бор эди. Ушбу анъанага мувофиқ, ҳужраи саодатга Ёсинхон тўрани ҳам олиб кирилади.

Ёсинхон маҳдум Ҳамидхон тўра ўғли 1897 йил зиёли оилада дунёга келди. Унинг насаби Зокирхожа эшон шайхулислам ан-Намангоний ал-Аббосий, ал-Ҳошимийга етиб боради. Ёсинхон тўранинг отаси Ҳамидхон тўра, бобоси Яҳёхон тўра ва катта бобоси Файзихон тўралар ўз даврининг кўзга кўринган илм аҳлларидан бўлишган. Ҳамидхон тўра маълум муддат Макка ва Мадина шаҳарларида яшаб фаолият юритади. Кейинчалик, оила аъзолари билан она юрти Наманганга қайтиб келади.

Ёсинхон тўра илк сабоқни отаси Ҳамидхон тўрадан олади. Ота-онаси фарзанди Ёсинхонни ҳофиз Қуръон бўлишини хоҳлаб, Сардоба даҳасидаги «Маржом» қорихонасига ўқишга беради. Ёсинхон тўра ўша даврнинг машҳур мудarrisи ва ҳофиз Қуръони Абдулғофур қори домла қўлларида сабоқ олиб, 9 ёшида ҳофиз Қуръон бўлиб етишади ва масжид

хонақоҳида хатмга ўта бошлайди. Кейинчалик эса бобоси Яҳёхон тўра ва амакиси Собитхон тўралардан фикҳ, ақоид, тафсир ва ҳадис каби илмларини ўрганиб, илми таҳсилни давом эттиради.

Ёсинжон тўра «Янги ривожия» атлас фабрикасида узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиқади.

Ўғиллари Мубашширхон ака падари бузрукворларини эслаб шундай дейдилар: «Отам раҳматлик фабрикада ишлаб юрган пайтларида ҳам ҳар куни Қуръондан тўрт ёки беш пора такрор қилиб мутолаа қилардилар. Рамазон ойида бирон-бир хонадонда хатми Қуръон қилсалар, камида беш кунлик, кўпи билан етти кунлик хатми Қуръон қилиб берардилар. Айтишларига қараганда, қайнукалари Зоҳиджон қори домла билан Акрамжон ака Боқиевнинг хонадонларида узоқ йиллар хатмона қилиб, имомликка ўтиб берган эканлар».

Мустабид тузум даврида диний илм бериш ўта қийин бўлган пайтларда ҳам Ёсинхон тўра зиё тарқатишдан тўхтамади. Ҳафтада икки кун қариндош-уруғлари ҳамда маҳалласидаги қўни-қўшнилари, ёру-биродарларига Қуръондан таълим берар ёки дарс ўргатган экан.

Ёсинхон тўра 1982 йили, октябрь ойида, 85 ёшида оламдан ўтди. У шаҳарнинг катта қабристони «Мангулик» мазорига дафн этилди.

Ҳозирги кунда Ёсинхон қори домланинг фарзандларидан Умархон қори ва ҳдомланинг набира ва абиралари ҳофизи Қуръонлар бўлиб, халқ хизматида бўлиб келмоқдалар.

У зотнинг оиласи ва фарзандлари ҳақида маълумот бериб ўтмоқчимиз. Ёсинхон тўра Фотимахон ойим (1921-1997) Абдулғофур қори қизлари билан турмуш қурганлар. Уларни 6 та ўғил ва 2 та қиз фарзандлари бор.

Фарзандлари Абдурашидхон (1941-1987), Мубашширхон (1944), Сафохон (1946-2021), Собитхон (1949-1996), Маҳмудхон (1955-2013) ва Умархон (1964)лар[1].

—
Акрам Шарипов, мустақил тадқиқотчи.

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони.

—

[1] Ушбу маълумотлар Ёсинхон тўра авлодларининг шахсий архивидан олинди.

-

-

-